

Ўзбекистон туманилик курашчи Зиёдахон Эргашева жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди

Куни кечада, Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича 19-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон туманилик спортчи Зиёдахон Эргашева бронза медалини қўлга киритди.

Татаристон пойтахтидаги “Ак Барс” спорт саройида бўлиб ўтган катталар ўртасидаги ушбу нуфузли мусобақада 38 давлатдан 250 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқишиди.



Қувонарлиси, 76 кг. вазнда баҳсларда қатнашган Яйпанлик Зиёдахон Эргашева мусобақанинг бронза медали соҳибасига айланди.

Умидли ёш белбоғли курашчи туманнинг “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиласди.

Айни кунларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2-босқич талабаси ҳисобланган Зиёдахон спортнинг ушбу тури бўйича илк ва асосий сабоқларини туманнинг фахрий белбоғли курашчиси, спорт устаси, /Филий тоифали мураббий ва халқаро тоифадаги ҳакам Абдувоҳид Юнусовдан олган.



Маълумот ўрнида, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастиров бошлигидаги 18 нафар терма жамоамиз аъзолари (бош мураббий Аъзамжон Шокиржонов) мазкур жаҳон чемпионатида муносаб иштирок этиб, белбоғли курашнинг эркин ва классик йўналишларида 4 та олтин, 3 та кумуш ва 10 та бронза медалини қўлга киритиши ва умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни банд этишди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-10-30 16:17:09